



## CRIMINAL ANALYSIS OF THE CRIME OF INTENTIONAL CONCEALMENT FROM REGISTRATION

**Anorboev Murodjon Rakhmankul ugli**

Independent researcher at the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan, PhD, junior advisor to justice  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15583999>

### ARTICLE INFO

Received: 25<sup>th</sup> May 2025

Accepted: 30<sup>th</sup> May 2025

Online: 31<sup>st</sup> May 2025

### KEYWORDS

Concealment from registration, intentional concealment, legal protection of victims, crime reports, accepting complaints, registering complaints, service duties, official persons.

### ABSTRACT

*This article presents a legal analysis of the crime of intentional concealment from registration, as stipulated in Article 241<sup>1</sup> of the Criminal Code. The paper analyzes the social danger of this crime, its legal consequences, disputable issues in judicial practice, and the need for improvement in legislation. It is argued that the concealment of a crime from registration can influence the impartiality of law enforcement agencies, lead to criminals evading punishment, open the door to corruption, and leave victims without legal protection. Furthermore, the article discusses the mechanisms for early identification and prevention of such crimes. The objective and subjective aspects of the crime's composition, the problems in its qualification, the direct object of the crime, and the legal description of procedural violations are examined. The methods of concealing information about crimes, not officially registering or considering them, and their legal and social consequences are analyzed. The findings of the analysis indicate that the concealment of a crime from registration not only reduces the disclosure of offenses but also contributes to the growth of criminality, undermines confidence in the rule of law, and strengthens corruption. Therefore, it is necessary to introduce strict criminal liability for intentional concealment from registration under Article 241<sup>1</sup> of the Criminal Code, increase the responsibility of law enforcement agencies, and implement measures to improve legislative norms.*

## ЮРИДИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ УМЫШЛЕННОЕ УКРЫТИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ ОТ УЧЕТА

**Анорбоев Муроджон Рахманкул угли**

Независимый научный сотрудник Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, младший советник юстиции  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15583999>

### ARTICLE INFO

Received: 25<sup>th</sup> May 2025

Accepted: 30<sup>th</sup> May 2025

Online: 31<sup>st</sup> May 2025

### ABSTRACT

*В данной статье проводится юридический анализ преступления преднамеренного укрывания от учета,*



## KEYWORDS

Укрытие от учета, преднамеренное укрытие, правовая защита потерпевших, сообщения о преступлениях, прием жалоб, регистрация жалоб, служебные обязанности, должностные лица.

предусмотренного статьей 241<sup>1</sup> Уголовного кодекса. В статье анализируется социальная опасность данного преступления, его правовые последствия, спорные вопросы судебной практики и необходимость совершенствования законодательства. Аргументируется, что укрытие преступления от учета может повлиять на беспристрастность правоохранительных органов, привести к уклонению преступников от наказания, открыть путь для коррупции и оставить потерпевших без правовой защиты. Также рассматриваются механизмы раннего выявления и предотвращения таких преступлений. Изучены объективные и субъективные стороны состава преступления, проблемы его квалификации, прямой объект преступления и юридическое описание процессуальных правонарушений. Проанализированы методы скрещения информации о преступлениях, неофициальная регистрация или несоображение их и их правовые и социальные последствия. Результаты анализа показывают, что укрытие преступлений от учета не только снижает выявление правонарушений, но также способствует росту преступности, ослаблению доверия к верховенству закона и усилению коррупции. Поэтому необходимо ввести строгую уголовную ответственность за преднамеренное укрытие от учета согласно статье 241<sup>1</sup> Уголовного кодекса, повысить ответственность правоохранительных органов и осуществить меры по совершенствованию законодательных норм.

## ЖИНОЯТНИ ҲИСОБГА ОЛИШДАН ҚАСДДАН ЯШИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

**Анорбоев Муроджон Раҳманқул ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси, ю.ф.ф.д., (PhD) адлия кичик маслаҳатчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15583999>

## ARTICLE INFO

Received: 25<sup>th</sup> May 2025

Accepted: 30<sup>th</sup> May 2025

Online: 31<sup>st</sup> May 2025

## KEYWORDS

Жиноятни ҳисобга олиш, қасддан яшириш, жабрланувчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси, жиноятлар

## ABSTRACT

Мазкур мақолада Жиноят кодексининг 241<sup>1</sup>-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яширишнинг юридик таҳлили амалга оширилган. Мақолада ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, ҳуқуқий оқибатлари, суд амалиётидаги баҳсли масалалар ва қонунчиликни такомиллаштириш зарурати таҳлил қилинган. Жиноятни ҳисобга олишдан яшириш ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятининг ҳолислигига таъсир



тўғрисидаги аризалар, аризаларни қабул қилиш, аризаларни рўйхатдан ўтказиш, хизмат вазифалари, мансабдор шахс.

қилиши, жиноятчиларнинг жазодан қочиб кетишига сабаб бўлиши, коррупцияга йўл очиши ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясиз қолиши мумкинлиги асослаб берилган. Шу билан бирга, бундай жиноятларнинг барвақт аниқланиши ва олдини олиш механизмлари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, мақолада жиноят таркибининг объектив ва субъектив томонлари, уни квалификация қилишдаги муаммолар, жиноятнинг бевосита объекти ҳамда процессуал ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий тавсифи ёритилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят ҳақидаги маълумотларни яшириш, уни расмий рўйхатга олмаслик ёки кўриб чиқмаслик усуллари ва уларнинг ҳуқуқий-ижтимоий оқибатлари таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари шунни кўрсатадики, жиноятни ҳисобга олишдан яшириш нафақат ҳуқуқбузарликларнинг ошкор бўлишини камайтиради, балки жиноятчиликнинг ўсишига, қонун устуворлигига ишонч сусайишига ва коррупциянинг кучайишига сабаб бўлади. Шу сабабли, ЖК 241<sup>1</sup>-моддаси орқали жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш учун қатъий жиноий жавобгарлик белгиланиши, ҳуқуқ-тартибот органлари масъулияти оширилиши ва қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича чоралар амалга оширилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 241<sup>1</sup>-моддаси жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш учун жиноий жавобгарликни белгиланган. Бу жиноят хизмат вазифаларига жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш кирувчи мансабдор шахслар томонидан қасддан содир этилади. Бундай қилмиш одил судлов тизимига, жамиятда қонун устуворлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясига жиддий таҳдид солади.

Жиноятни ҳисобга олишдан яшириш суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг холислигини ва самарали фаолиятини издан чиқариши мумкин. Агар жиноятлар ҳақидаги маълумотлар расмий равишда рўйхатдан ўтказилмаса, бу ҳолат жиноятчиликнинг ошкор этилмаслиги, жиноятчилар жазодан қочиб кетиши ва жамиятда беқарорликнинг кучайишига олиб келади. Бу эса давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини заифлаштиради ва қонун устуворлигига путур етказилади.

Шунингдек, жиноятни ҳисобга олишдан яшириш жабрланувчиларнинг ҳуқуқий ҳимоядан маҳрум бўлишига сабаб бўлади. Агар мансабдор шахслар жиноят ҳақидаги аризаларни қабул қилмаса ёки расмий тартибда рўйхатдан ўтказмаса, жабрланувчилар ҳуқуқий ҳимоя ва адолатдан маҳрум бўлади. Бу эса жамиятда ҳуқуқий ҳимояга



ишончининг сусайиши ва фуқароларнинг давлат институтларига бўлган ишончининг пасайишига олиб келади.

Бундан ташқари, жиноятни ҳисобга олишдан яшириш жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини пасайтиради. Агар бундай қилмишлар аниқланмаса, жиноятчилар жавобгарликдан қочиб кетиши ва жиноятчиликнинг ўсишига шароит яратилиши мумкин. Бу ҳолатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноятларнинг олдини олиш механизми заифлашади, қонунга бўлган ишонч йўқолади.

Шу билан биргаликда, жиноятни яшириш амалиёти коррупцияга шароит яратади. Мансабдор шахслар шахсий манфаатлар ёки юқори лавозимли шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида жиноятларни рўйхатдан ўтказмаслиги мумкин. Бу эса ҳуқуқ-тартибот органлари ва суд ҳокимиятидаги шаффофликни йўққа чиқаради ва ҳуқуқбузарликларнинг кўпайишига олиб келади.

Демак, жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш жамият, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун юқори ижтимоий хавф туғдиради. Бу нафақат одил судлов ва қонун устуворлигига таҳдид солади, балки фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясига, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигига ва давлатнинг халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, ЖК 241<sup>1</sup>-моддаси орқали бундай қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланиши ҳуқуқий адолатни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун зарурдир.

Мазкур жиноятнинг бевосита объекти юзасидан олимлар ўртасида турли фикрлар баён этилган. Жумладан, М.Ҳ.Рустамбаевга кўра, одил судловни амалга оширадиган суд, прокуратура, дастлабки тергов ёки суриштирув идораларининг аризалар, хабарлар ва жиноят содир этилганлиги ҳақидаги бошқа маълумотларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг жиноят-процессуал қонунчилиги билан белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек ижтимоий кадриятларни жиноий тажовулардан ҳимоя қилиш бўйича фуқароларнинг манфаатларини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ушбу жиноятнинг объектидир [1, 320]. Биз жиноятнинг асосий бевосита объекти юзасидан тўхталганда, юқоридаги параграфларда ҳам қайд этганимиздек, бирор давлат органининг фаолиятини таъминловчи муносабатлар эмас, балки бирор жиноят-процессуал муносабатни аниқ тартибини белгилловчи ижтимоий муносабатларга урғу бериш керак деб ҳисоблаймиз. Бу борада Р.Кабулов ва А.Отажанов шундай ёндашувдаги ғояни илгари суришган: одил судловни амалга оширувчи ҳамда жиноятларни ҳисобга олишнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар жиноятнинг асосий бевосита объекти ҳисобланади [2, 818]. Аммо ушбу ёндашувни ҳам янада аниқлаштириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бунда одил судловни амалга оширишга қаратилган муносабатларни ҳам қайд этишган. Бундай муносабатлар жиноятнинг бевосита объекти эмас, балки турдош объекти эканлигини биз қайд этган эдик. Шу сабабдан, ЖК 241<sup>1</sup>-моддаси диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатганлиги сабабли ҳам, ушбу жиноятнинг асосий бевосита объектини жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш тартибини белгилловчи ижтимоий муносабатлар деб ҳисоблаймиз. Шунингдек,



жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноятлар тўғрисидаги муносабатларини кўриб чиқишнинг белгиланган тартибини таъминловчи муносабатлар ушбу жиноятнинг кўшимча бевосита объектидир.

Жиноят объектив томондан жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш орқали содир этилади.

Маълумки, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаблар ва асослар сифатида шахсларнинг аризалари, корхоналар ёки ташкилотлардан хабарлар, ОАВларининг хабарлари, бевосита жиноят белгилари ҳақидаги маълумотлар ва изларни ваколатли шахсларнинг ўзлари аниқлашлари, шунингдек, айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз қилиш белгиланган (ЖПКнинг 322-моддаси). Юқорида қайд этилганларни жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар сифатида қабул қилиш мумкин.

Қасддан яшириш деганда, ариза, хабар ва бошқа маълумотларнинг жиноят тўғрисида эканлигини билгани ҳолда уларни бекитиш, ўзида сақлаш, қабул қилишни рад этиш, белгиланган тартибда рўйхатга олмаслик ҳамда ариза, хабар ва бошқа маълумотларда ифодаланган тайёргарлик кўрилатган, содир этилаётган жиноятларга қонунда белгиланган тартибда чора кўрилишига ҳар қандай усулда тўсиқ яратиш тушунилади [2, 820].

Жиноят айбдор томонидан жиноят тўғрисидаги аризани (хабарни) олишдан бош тортгандан ёки жиноят ҳақидаги (бевосита аниқланган) маълумотларни эътиборсиз қолдирган вақтдан ёхуд кўрсатилган ҳужжатларни (маълумотларни) ҳисобга олишнинг қонунда белгиланган муддатлари ўтиб кетган вақтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Бунда шахс ариза, хабар ёки бошқа маълумотлар жиноят ҳақида эканлигини билади, турли сабабларга кўра унинг белгиланган тартибда қабул қилиниши, рўйхатдан ўтказилиши ёки кўриб чиқилишини хоҳламайди ҳамда уларни атайлаб эътиборсиз қолдиради ёки яширишга қаратилган аниқ чораларини кўради.

Жиноятнинг субъекти жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахсдир. Бу шуни англатадики, қонунчиликда айнан қайси мансабдор шахсга ушбу ваколатлар берилган бўлса, улар жиноятнинг субъекти бўла олади.

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш жараёнида жиноят ҳақидаги маълумотларни қабул қилишга масъул органлар жисмоний ёки юридик шахслар томонидан бериладиган ёзма, оғзаки аризаларни қабул қилади, ўз навбатида, оммавий ахборот воситалари, хатлар ёки телефонограмма каби турли манбалардан келган маълумотларни қабул қилиш учун тайёр туриши зарур. Қабул қилинган ҳар бир маълумот қайд этилиши ва ариза ёзувчига огоҳлантирув берилган ҳолда расмийлаштирилиши керак. Масалан, жиноят ҳақида ёлғон маълумот берганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилади (324-модда).



Жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни рўйхатдан ўтказиш жараёни жиноят ҳақида келган маълумотларнинг қонуний равишда қайд этилиши ва назоратга олинишини таъминлайди. Бунда барча қабул қилинган маълумотлар махсус журналлар, электрон тизимлар ёки рўйхатга олиш воситаларида ёзиб борилади. Рўйхатдан ўтказиш аризаларнинг йўқолишининг олдини олиш, уларни тегишли органларга йўналтириш ва жиноят ишини қўзғатиш учун асос яратиш мақсадида амалга оширилади. Ўз навбатида, аноним хабарлар (имзосиз ёки қалбаки) рўйхатга олинмайди (323-модда).

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш келиб тушган маълумотларнинг мазмунига кўра ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланиш жараёнидир. Бунда маълумотларнинг қонунийлиги ва жиноят ишини қўзғатиш учун етарли асос бор-йўқлиги текширилади (ЖПК 329-моддаси), тегишли органлар томонидан жиноят белгилари мавжудлиги аниқланган тақдирда, жиноят ишини қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилинади, агар маълумотлар етарли бўлмаса, қўшимча текширув ўтказилиши ёки ариза ва хабар юборилган шахсга қайтарилиши мумкин. Ушбу жараён қонунчиликда белгиланган муддатларда (одатда 10 сутка) амалга оширилиши керак.

Бу уч босқич жиноятларга оид маълумотларни самарали бошқариш, жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва тергов қилиш, ҳамда ҳуқуқий адолатни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Мазкур тартиб жиноятлар билан боғлиқ барча маълумотларнинг изчиллигини, расмийлигини ва қонунийлигини таъминлайди.

Барча ходимларга ҳам жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш ваколоти ёки вазифаси юклатилмайди. Шу сабабдан, ушбу жиноятни квалификация қилишда бундай вқазифалар айнан кимга юклатилганлигига эътибор қаратиш зарур бўлади. Бундай шахслар тоифалари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья, шунингдек, навбатчилик қисми, котибият ва ташкилий инспекторлик бўлими ходимлари, ахборот-таҳлил гуруҳи инспекторлари бўлиши мумкин.

## References:

1. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Т.3. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2021. – Б. 320.
2. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисми. Дасрлик. / Ш.Т.Икрамов, Р.Кабулов, А.А.Отажонов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Т.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2016. – Б. 818.
3. Алексеев И.Н. Понуждение, принуждение и насиле в уголовном праве. // Уголовный процесс. – 2006. – № 1. – С. 9.
4. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи курси. Т.3. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар: Дасрлик. – Тошкент: ИЛМ ЗИҲО, 2011. – Б. 62.
5. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под ред. В.М. Лебедева, Ю.И.Скуратова. – М., 1996. – С. 322-324.



6. Bekzod o'g'li, J. F. (2024). Kriminalistik huquq va jinoyatlarning oldini olish. *International innovation and researches*, 1(3), 53-55.
7. Bekzod o'g'li, J. F. (2024). O 'zbekistonda inson huquqlari va milliy qonunchilikni takomillashtirish. *Международный журнал теории новейших научных исследований*, 2(10), 173-176.